

Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича
ШАРТНОМА № 177177

2022 йил «15» ноябрь

Жиззах шаҳри

“Жиззах минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Ш.Анорбоев, бир томондан, ва “Jizzaxyo'loyiha” МЧЖ (кейинги уринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор **Ў.Отабобоев** иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар:

1. Шартнома предмети.

1.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ **Зомин тумани Қайирма МФЙ Алпомиш, Мустақиллик, Каттабоғ кўчаларида бетон йўл қуриш** объекти бўйича амалдаги қонунчиликнинг ишларнинг шундай турига қўйладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун яроқли бўлган лойиха-смета ҳужжатларини (бундан кейинги матнларда “Лойиха” деб номланади) ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини зиммасига олади

1.2. Хизматлар курсатиш муддати: 5 кун

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишлар қиймати танлов комиссиясининг 2022 йил “10” ноябрдаги № ~~177177~~ -сонли мажлис баённомаси қарорига асосан ҚҚС билан **2 400 000 (икки миллион тўрт юз минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати очиқдир. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати қарорига асосан ҳамда вазиятлар, материаллар нархлари, ишга ҳақ тўлаш шартлари тубдан ўзгарганда ва бошқа харажатлар туфайли ишлар қиймати мазкур шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш Буюртмачи томонидан Ижрочининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 30% олдиндан тўлов;

- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойихани қабул қилиш-топшириш юк хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойихани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган тақдирда.

2.4. Буюртмачи молия органи томонидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, Ижрочи қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.

3.1. Объект бўйича лойиҳалаш ишларини бошлаш санаси сифатида қуйидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳалашга топшириқни қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;

3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалашга топшириқга ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Томонлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юқоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойиҳалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг Ижрочи тайёр Лойиҳани ёки унинг қисмини Буюртмачига юк хати бўйича топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қилади.

3.3. Буюртмачи Лойиҳани олганидан кейин қуйидагиларни амалга оширишга мажбур:

3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида Лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва Ижрочига рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш;

3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат Ижрочига юборилгандан сўнг иккитомонлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Қўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.

3.3.3. Буюртмачи Лойиҳани олишдан бош тортса (Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни Ижрочига юбормаса, Лойиҳа Буюртмачига тақдим этилган вақтдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади.

3.3.4. Агар Буюртмачи Лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик Лойиҳада шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни Лойиҳани қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин қачиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддатда ёзма равишда огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни Ижрочига тақдим қилади.

4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ишлар қийматини Ижрочига тўлаб беради.

4.1.3. Ижрочидан олинган лойиҳадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсад учун фойдаланиш, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва Ижрочининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошқора қилмаслик.

4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиш учун Ижрочини жалб этиш.

4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки Ижрочига боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан томонлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолангандан сўнг).

4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс томонидан Буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун Ижрочини жалб қилиш.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари

4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун Буюртмачи томонидан тақдим қилинган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши, белгиланган тартибда муаллифлик назоратини олиб бориш ва ҳар 15 кун муддатда мунтазам равишда Буюртмачига маълумот бериш;

4.2.2. Буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, Буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириш, Буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиш. Буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирмаган Ижрочи келгусида Буюртмачи томонидан даъво қилинганда ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўқач қилмаслиги керак.

4.2.3. Лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишишда Буюртмачи билан биргаликда иштирок этиш.

4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талаблари ва шахарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгиладиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига жавоб берадиган тайёр Лойиҳани Буюртмачига топшириш.

4.2.5. Лойиҳа ишлаб чиқилишини учинчи шахсларга бермаслик.

4.3. Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга:

4.3.1. Лойиҳадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, Ижрочидан куйидагиларни талаб қилиш:

- Ижрочи Лойиҳадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилиши;

- шартномавий қийматни шунга мувофиқ миқдорда камайтириш;

- Ижрочи Лойиҳадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли Буюртмачининг пайдо бўлган молиявий зарарларини қоплаш;

- Лойиҳадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, Буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча кўрилган молиявий зарарлар қопланишини Ижрочидан талаб қилиш.

- «Ижрочи» ташкилотнинг айби билан лойиҳа ҳужжатларига қўшимча иш хажмлари ва харажатлар аниқланган тақдирда «Уздавархитектқурилиш» кумитасининг 24.06.2008 йилги 50-сонли буйруғи билан тасдиланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди 3-хатбошига асосан Бажарувчига туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб куйилади.

4.4. Ижрочи куйидаги ҳуқуқларга эга:

4.4.1. Буюртмачининг ёзма рухсати билангина лойиҳалаштиришга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

5. Томонлар жавобгарлиги.

- 5.1. Томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.
- 5.2. Лойиҳа Буюртмачи томонидан қабул қилингандан кейин Ижрочи кафолатли муддат давомида (10 йил) Лойиҳанинг дастлабки камчиликлари ва Лойиҳадан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, Буюртмачининг зарарларини тўлаб бериши керак.
- 5.3. Ижрочи Лойиҳадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аниқланган вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда) қуйидаги ҳолларда жавоб бермайди:
- Буюртмачи Ижрочи билан келишиб олмасдан лойиҳалаш мобайнида Лойиҳага қўйилган талаблардан чекинса ёхуд лойиҳалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса;
- 5.4. Молия органи томонидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам Буюртмачи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида молиялаштирмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.
- 5.5. Ижрочи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.
- 5.6. Пеня ва зарарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.
- 5.7. Томонлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаган шarti билан, биринчи томон иккинчи томонни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.
- 5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилинган ҳолда, шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан томон иккинчи томонга мазкур шартнома бўйича ишлар қийматидан 10 % миқдорида жарима (неустойка) тўлайди.

6. Махфийлик.

- 6.1. Ҳар бир томоннинг фаолияти ёки томонлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошқора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийдир. Томонлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошқора қилмасликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликлари керак.

7. Шартномани ўзгартириш ва тугатиш.

- 7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-пунктида кўрсатилганидек, шартнома муддати тугаши билан томонларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.
- 7.2. Томонлар ўртасидаги ёзма келишувига асосан шартнома ўзгартирилиши ёки муддатидан илгари тугатилиши мумкин.
- 7.3. Мазкур шартномага қўшимча битим ёки келишмовчилик баённомаси кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда қилинган ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.
- 7.4. Қонунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартирилиши ёки тугатилиши мумкин.
- 7.5. Шартнома кучда бўлишини тугатиш томонларни шартномани бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

8. Низоларни ҳал этиш.

- 8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича томонлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.
- 8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар ҳал этилмаса, ўрнатилган тартибда низолар Жиззах туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

9. Форс-мажор.

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдирлар.

Фавқулодда вазиятлар сифатида куйидагилар тушунилади: табиий талофатлар, ёнгин, сув тошқини, шторм, уруш ва уруш ҳаракатлари, қамаллар, кўзғолонлар, саботаж, миллатчилик тусга эга галаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъқиқлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган томонлар назоратидан ташқаридаги бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома вилоят Ғазначилик бошқармасидан электрон тарзда руйхатдан утгандан сунг кучга кириди ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. битта нусхаси Буюртмачида, битта нусхаси Ижрочида сақланади.

11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

БУЮРТМАЧИ:

**“Жиззах минтақавий йўлларга буюртмачи
хизмати” ДУК**

Манзил: Жиззах шаҳри. Маданият
махалласи. Пахтакор кучаси 10 уй

Ш/х: 301821860084017045204118161

ИНН: 304 897 494, МФО ОКЭД: 71 120

Ўзбекистон Республикаси Молия

Вазирлиги Ғазначилиги

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент
шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса
маркази (ХККМ)

МФО 00014 ИНН 201129919

ИЖРОЧИ:

“Jizzaxyo'loyiha” МЧЖ

Жиззах шаҳри Маданият маҳалласи
Пахтакор кўчаси 9 уй

Х/р: 2020 8000 1040 5928 9001

АЖ “Асака банк” Жиззах филиали
МФО 00140,

ИНН 203 294 197

ОКЭД: 71 110

Директор

Ш.Анорбоев

Директор

Ў. Отабобоев

ХУКУКИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тугрисида”ги Конунининг 21-моддаси талаблари асосида тузилган. Экспертиза хулосаси шартнома шартларининг мослиги ва унда тарафларнинг жавобгарлиги ҳамда низоларнинг ҳал этилиши тартиби амалдаги конунчилик талабларига мослигини беради.

Ҳукукий экспертиза натижасига кура куйидагилар аниқланди:

1. Шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунлари талабларига мувофиқ тузилган. Такдим этилаётган пудрат шартномаси шартлари конунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома буйича юзага келган ҳар қандай ҳолат Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 686-708-моддалари ҳамда “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 10,11-моддалари билан тартибга солинади.

2. Шартнома буйича тарафларнинг уз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида юзага келадиган жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

“Жиззах МИБХ” ДУК

Бош юристконсулти:

Ф. Кулматов

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Жиззах минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати
давлат унитар корхонаси директори

Ш.Анорбоев

2022 йил



“Жиззах минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси танлов комиссиясининг ўтказилган энг яхши таклифни танлаш натижалари бўйича танлаш иштирокчилардан шикоят тушмаганлиги тўғрисида
БАЁННОМА № 408Ж

“15” ноябрь 2022 йил

Жиззах шаҳри

КОМИССИЯ ТАРКИБИ

- | | |
|--------------------------|--------------------------------|
| 1. Саримсоқов Шарофиддин | Бош муҳандис, комиссия раиси |
| 2. Шойматов Санжар | Булим бошлиғи, котиб |
| 3. Умурзаков Шодиёр | Бош ҳисобчи, комиссия аъзоси |
| 4. Қулматов Фарход | Юрист, комиссия аъзоси |
| 5. Жумаев Саидахмад | Булим бошлиғи, комиссия аъзоси |
| 6. Боймурадов Шавкат | Булим бошлиғи, комиссия аъзоси |

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА :

Ўзбекистон Республикасининг давлат харидлари тўғрисида 22.04.2021 йилдаги ЎРҚ-684-сонли қонунига асосан 2022 йил 10-ноябрда электрон тизим орқали ўтказилган энг яхши таклифни танлаш натижалари муҳакамаси тўғрисида

ЭШИТИЛДИ : Танлов комиссияси раиси Ш.Саримсоқов сўзга чиқиб давлат харидлари электрон тизими орқали

Лот рақами	Объект номи	Бошланғич нарх	Ютиб олган нарх
22110012177407	Боғишамол ҚФЙда мавжуд асосий қатнов йўли учун Туятортар каналига (сел) кўприklarини қуриш объектининг лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш	41 400 000	39 300 000
22110012177439	Жиззах шаҳар Боғишамол МФЙ Сангзор дарёсидан ўтадиган кўприкни таъмирлаш объектининг лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш	142 000 000	113 600 000
22110012177430	Жиззах шаҳар Жиззахлик МФЙ Маҳалла ҳудудидаги 9.0 км ички йўлларни асфальтлаштириш объектининг лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш	260 000 000	208 000 000
22110012177427	Жиззах шаҳар Қалия маҳалласи Б-Саноат ҳудудидан ўтган темир йўл устига темир йўл перезди ўтказиш объектининг лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш	30 000 000	24 000 000
22110012177445	Жиззах шаҳар Тошлок МФЙ ҳудудидаги Миришқор, Ш.Рашидов ва Х.Қодиров 4 км ички кўчалари таъмирлаш ва Тошлок МФЙ Мед коллеж биноси ёнидан вилоят Сувоқава биноси томонга ўтишда ер ости йўлаги қуриш объектининг лойиха	85 800 000	68 640 000
22110012177443	Жиззах шаҳар Турон МФЙ ва Шодлик МФЙ кўчаларини боғлаб турувчи кўприкни таъмирлаш объектининг лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш	20 000 000	16 000 000

22110012177435	Жиззах шаҳар Ўратепалик МФЙ Маҳалла ҳудудидаги жами 10 км масофадаги ички йўллارни таъмирлаш ва асфалтлаштириш объектининг лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш	180 000 000	144 000 000
22110012177230	Зарбдор тумани Нуробод МФЙ, Тадбиркорлар ҳамда Ат-Термизий кўчаларга жами 0,5 км ички тупроқ йўллارни шағаллаштириш объектининг лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш	1 500 000	1 200 000
22110012177209	Зарбдор тумани Тинчлик МФЙнинг кўп қаватли уй-жойларда яшовчи ёш болалар учун 0,5 км пиёдалар йўлакчаси қуриш объектининг лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш	200 000	160 000
22110012177170	Зомин тумани Ғ.Ғулом МФЙ Фарход-Миртемир кўчаларини асфалтлаштириш объектининг лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш	28 000 000	22 400 000
22110012177065	Зомин тумани Дуоба ҚФЙ Сувлисой қишлоғи, Саркамар қишлоғи ва Бойтепа қишлоғи йчки йўлларини шағаллаштириш объектининг лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш	121 000 000	96 800 000
22110012177177	Зомин тумани Қайирма МФЙ Алпомиш, Мустақиллик, Каттабоғ кўчаларида бетон йўл қуриш объектининг лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш	3 000 000	2 400 000
22110012177164	Зомин тумани Қўрғон МФЙ Четариқ кўчасига асфалт ётқизиш объектининг лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш	10 600 000	8 480 000
22110012177081	Зомин тумани Тўрттом МФЙ Истиклол кўчасини шағаллаштириш ва Пастки Сирғали қишлоғининг ички кўчаларини асфалтлаштириш объектининг лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш	30 000 000	24 000 000
22110012177221	Зомин тумани Фаровон МФЙ Иттифоқ қишлоғига кириб бориш йўлига ҳамда Қизилой қишлоғидаги 21-сонли МТТ га олиб борувчи йўлга асфалт ётқизиш, Бирлашган қишлоғи 24-мактабга борувчи ички йўлга бетон йўл қу	50 100 000	40 080 000
22110012177167	Зомин тумани Халқобод МФЙ Маҳалла ички йўллариининг 5 км қисмига асфалт, 7,5 км қисмига шағал ётқизиш ишларини амалга ошириш объектининг лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш	31 800 000	25 440 000
22110012177062	Зомин тумани Чорвадор ҚФЙ Жалойир Ўртақишлоқ ҳамда Кутчи Болғоли қишлоғи ички йўлларига асфалтлаш ва шағаллаш йўл ётқизиш объектининг лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш	70 000 000	56 000 000
22110012176943	Ш.Рашидов тумани Ёшлик МФЙ Маҳалладаги 20 та кўчани асфалтлаштириш объектининг лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш	200 000 000	160 000 000
22110012176883	Ш.Рашидов тумани Раваллиқ МФЙ Маҳалла ҳудудидаги 4,6 км йўллارни асфалт қилиш объектининг лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш	54 000 000	43 200 000
22110012176972	Ш.Рашидов тумани Тинчлик МФЙ ҳудудидаги 5,3 км тупроқ йўллارни шағаллаштириш, Мозорсой қишлоғи сел олиб кетган кўпригини ўрнатиш объектининг лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш	207 400 000	165 920 000
22110012176890	Ш.Рашидов тумани Учтепа МФЙ М.Улугбек кучасини 3400 метр йулни асфалт қопламаси билан жорий таъмирлаш объектининг лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш	43 100 000	34 480 000
22110012176921	Ш.Рашидов тумани Яккақайроғоч МФЙ ҳудудида жами 6,9 км. кўчаларга асфалт ётқизиш объектининг лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш	78 000 000	62 400 000

юкорида кўрсатилган объектлар буйича лойиха смета ҳужжатларин тайёрлаш учун “JIZZAX YO`LLOYINA” МЧЖ голиб деб топилди, Танлов аъзоларидан 2 (икки) кунлик муддат ичида танлаш иштирокчилари

томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушган ёки тушмаганлигини хакида сўради.


Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия аъзолари Ш.Умурзаков, Ф. Кулматов, С.Жумаев, Ш.Боймурадовлар сўзга чиқиб танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлигини ўз сўзларида маълум қилди.

Билдирилган фикр мулохазаларни инобатга олиб комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Мазкур танлашда давлат харидлари электрон тизими орқали голиб деб топилган "JZZAX YO'LLOYINA" МЧЖ билан шартнома имзолансин.

1. Саримсоқов Шарофиддин
2. Умурзаков Шодиёр
3. Кулматов Фарход
4. Жумаев Саидахмад
5. Боймурадов Шавкат



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-408-сонли қарори ҳамда Халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгашининг
 2022 йил 02 ноябрдаги №VI-38-279-3-0-Қ/22-сонли қарорига асосан Республика бюджети маблағлари ҳисобидан ички хўжалик йўлларини жорий таъмирлаш бўйича
 лойиха-қндирув ишлари учун
 М А Н З И Л Л И Р Ў Й Х А Т И

№	Лойихалаштирилган объект номи ва манзили	Лойихалаштири ладиган объект қуввати (кв.м)	Қурилиш ишларининг бошланиши ва тугаш йили	Қурилишнинг тахминий ҳисобланган умумий қиймати	* 2022 йил учун лимит	Лойиха босқичи ДТИА, ТИА, ДТИХ, ТИХ, ИЛ, ИХ, ГХ	Жами: Лойиха ва экспертиза харажатлари	ЛҚИнинг объектлар бўйича қиймати	Комплекс экспертиза маркази харажатлари	ЛҚС ларини буюртмачига топириш	Лойихалаштириш учун асос (ВМ, Қарорлари, фармойишлари, топшириқлари ва х.к.)	№/
1	Жами	316,850		213 771,820	166 612,876		3 617,700	3 332,300	285,400			13
1	Арнасой тумани О.Водий МФЙ худудидаги Беклар 660 м, Каттабоб 650 м, Шеробод 1200 м, Янгийул 1100 м, Чулпон 350 м, Фаровон 850 м, Олтинсой 2400 м жами 4 км ички йўлларни цементно-бетон қоплама орқали таъмирлаш	4,060	2022 й	3 200,000	3 200,000	ИЛ	70,400	64,000	6,400	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
2	Бахмал тумани Бахмал ҚФЙ Бахмал кўчасидаги (махалла марказидан-Қирқкишлоқ кишлоғига қадар) пиледалар йўлакчаси ва тунги ёритиш чирокларини ўрнатиш.	87,430	2022 йил	36 324,500	16 458,150	ИЛ	349,200	329,200	20,000	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
3	Боғишамол МФЙдаги Наврўз ва Мўғол кишлоқлардаги асосий ва ички йўлларни таъмирлаш.	4,000	2022-2023 йил	2 914,000	2 914,000	ИЛ	64,100	58,300	5,800	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
4	Боғишамол МФЙда мавжуд асосий катнов йўли учун Туюртгар каналга (сел) кўприкларини қуриш.	11,000	2022-2023 йил	3 540,000	1 062,000	ИЛ	21,200	21,200	4,100	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
5	Ваганпарвар МФЙ худудидаги ички йўлларни таъмирлаш.	3,700	2022-2023 йил	1 500,000	450,000	ИЛ	9,000	9,000		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
6	Истиклол МФЙ да 3 та аҳоли (Истиклол, Қўшлархат ва Наврўз) худудидаги ички йўлларни таъмирлаш.	8,300	2022-2023 йил	747,000	224,100	ИЛ	4,500	4,500		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
7	Қўлғубод МФЙнинг худудидаги ички йўлларни таъмирлаш.	4,500	2022 йил	2 700,000	2 700,000	ИЛ	59,400	54,000	5,400	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
8	Музбўлоқ МФЙ худудидаги ички йўлларни таъмирлаш. (4Р40 а/й 3.5 км)	3,500	2022-2023 йил	2 100,000	630,000	ИЛ	12,600	12,600		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
9	Новка МФЙ худудидаги ички йўлларни таъмирлаш.	15,800	2022-2023 йил	2 462,500	738,750	ИЛ	14,800	14,800		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
10	Нуробод МФЙ худудидаги ички йўлларни таъмирлаш.	9,000	2022 йил	2 330,000	2 330,000	ИЛ	51,300	46,600	4,700	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
11	Сангзор ҚФЙ худудидаги ички йўлларни таъмирлаш.	5,000	2022-2023 йил	1 720,000	516,000	ИЛ	10,300	10,300		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
12	Узунбулоқ ҚФЙ худудидаги ички йўлларни таъмирлаш.	13,000	2022-2023 йил	3 885,000	1 165,500	ИЛ	23,300	23,300		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида

№	Лойihalаштирилган объект номи ва манзили	Лойihalаштириладиган объект кўватини (км)	Куришиш йилларининг бошланиши ва тугаши йили	Куришиш тахминий ҳисобланган умумий қиймати	* 2022 йил учун лимит	Лойиха босқичи ДТНА, ТНА, ДТНХ, ТНХ, ИЛ, ИХ, ТХ	Жами: Лойиха ва экспертиза харажатлари	ЛҚИнинг объектлар бўйича қиймати	Комплекс экспертиза маркази харажатлари	ЛҚХ ларининг буюртмачига топириши	Лойihalаштириш учун асос (ВМ, Карорлари, фермойишлари, топшириқлари ва х.к.)	Лойihalаштириш номи
13	Файзиобод МФЙ худудидаги ички йўллارни таъмирлаш.	13,630	2022-2023 йил	5 526,000	1 657,800	ИЛ	33,200	33,200		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
3	Ғаллаорол тумани	6,600		4 280,000	4 280,000		92,800	85,600	7,200			
14	"Мирзабулоқ" ҚФЙ Болголи, Қизилкўрган, Хонақоҳ, кишлоқларида 6 км ички йўллارни асфалт қопламаси билан таъмирлаш	6,000	2022 йил	3 600,000	3 600,000	ИЛ	79,200	72,000	7,200	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
15	"Октом" МФЙ Худуддаги 46 ва 29-сонли мактабларга борувчи 46 мактаб учун 0,1 км ва 29 мактаб учун 0,5 км ички йўлни асфалт билан қоплаш	0,600	2022 йил	480,000	480,000	ИЛ	9,600	9,600		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
16	Кўктымбаз ҚФЙ Заргар ва Куктымбаз кишлоғи ўртасидаги кўприкнинг тагидан пиёдалар учун махсус йўлак куриш.	0,200	2022 йил	200,000	200,000	ИЛ	4,000	4,000		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
4	Дўстлик тумани	31,770		21 807,000	21 807,000		474,100	436,100	38,000			
17	Бунёдкор МФЙ 13 та кўчага 6,2 км йўлни асфальтлаштириш, 3 та кўчага 1,7 км шағал, Дўстлик-Бунёдкор 4К-221 "Дўстлик ш-Пахтазор СИУ-Тошкент СИУ" автомобил йўлининг 0-14 км асфальтлаштириш	21,900	2022 йил	18 975,000	18 975,000	ИЛ	417,500	379,500	38,000	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
18	Мевазор МФЙ Маҳалланинг 5 та кўчасига 1,47 км асфалт, 4 та кўчасига 3,9 км шағал ётқизиш	5,370	2022 йил	1 482,000	1 482,000	ИЛ	29,600	29,600		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
19	Богзор МФЙ Маҳалладаги 4 та кўчага 1,5 км асфалт, 2 та кўчага 3 км тулпроқ йўлни шағаллаштириш	4,500	2022 йил	1 350,000	1 350,000	ИЛ	27,000	27,000		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
5	Жиззах шаҳри	19,000		47 950,000	37 940,000		829,700	758,800	70,900			
20	Бобур МФЙ худудига аҳолининг кечки ва эрталабки сайр қилиши учун яшил йўлак куриш.	объект	2022 йил	2 000,000	2 000,000	ИЛ	44,000	40,000	4,000	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
21	Қалия маҳалласи Б-Саноят худудидан Утган темир йўли устига темир йўл перезиди ўтказиш	0,300	2022 йил	1 500,000	1 500,000	ИЛ	30,000	30,000		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
22	Жиззахлик МФЙ Маҳалла худудидаги 9,0 км ички йўллارни асфальтлаштириш.	9,000	2022 йил	13 000,000	13 000,000	ИЛ	286,000	260,000	26,000	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
23	Ўратепалик МФЙ Маҳалла худудидаги жами 10 км масофадаги ички йўллари таъмирлаш ва асфальтлаштириш.	10,000	2022 йил	9 000,000	9 000,000	ИЛ	198,000	180,000	18,000	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
24	Боғишамол МФЙ Сангзор дарёсидан ўтайдиган кўприкни таъмирлаш	0,5пм	2022 йил	7 150,000	7 150,000	ИЛ	157,300	143,000	14,300	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
25	Тошлоқ МФЙ худудидаги Миршикор, Ш.Рашидов ва Х.Қодиров 4 км ички кўчалари таъмирлаш ва Тошлоқ МФЙ Мед коллеж биноси ёнидан вилоят Сувоқова биноси томонга ўтишда ер ости йўлагини куриш	4,000	2022-2023 йил	14 300,000	4 290,000	ИЛ	94,400	85,800	8,600	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
26	Турон МФЙ ва Шоллик МФЙ кўчаларини боғлаб турувчи кўприкни таъмирлаш.	0,1пм	2022 йил	1 000,000	1 000,000	ИЛ	20,000	20,000		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
6	Зарбдор тумани	0,500		83,400	83,400		1,700	1,700				
27	Зарбдор тумани Нуробод МФЙ, Тадбиркорлар ҳамда Ат-Термизий кўчаларга жами 0,5 км ички тулпроқ йўллари шағаллаштириш	0,500	2022 йил	75,000	75,000	ИЛ	1,500	1,500		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
28	Тинчлик МФЙнинг кўп қаватли уй-жойларда яшовчи ёш болалар учун 0,5 км пиёдалар йўлакчаси куриш.	объект	2022 йил	8,400	8,400	ИЛ	0,200	0,200		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
7	Зафаробод тумани	5,500		1 650,000	495,000		9,900	9,900				
29	Бирлик ҚФЙ 3,0 км ички йўллари асфалт ҳамда 2,5 км пиёдалар йўлакчаси куриш.	5,500	2022-2023 йил	1 650,000	495,000	ИЛ	9,900	9,900		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида

№	Лойihalаштирилган объект номи ва манзили	Лойihalаштири ладиган объект куввати (кв)	Курилиш ишларининг бошланishi ва тугаш йили	Курилишнинг тахминий хисобланган умумий киймати	* 2022 йил учун лимит	Лойиха босқичи ДТИА, ТИА, ДТИХ, ТИХ, ИЛ, ИХ, ГХ	Жами: Лойиха ва экспертиза харажатлари	ЛҚИнинг объектлар бўйича киймати	Комплекс экспертиза маркази харажатлари	ЛСХ ларини буюртмачига топириш	Лойihalаштириш учун асос (ВМ. Қарорлари, фармойишлари, топиришлари ва х.к)	Лойihalовчи институт номи
8	Зомин тумани	68,350		32 195,000	26 896,000		575,800	537,900	37,900			
30	Қайирма МФЙ Алломиш, Мустикаллик, Каттабоб кўчаларида бетон йўл куриш.	0,700	2022-2023 йил	500,000	150,000	ИЛ	3,000	3,000		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
31	Ғ.Ғулом МФЙ Фарход-Миртемир кўчаларини асфалтлаштириш.	2,000	2022 йил	1 400,000	1 400,000	ИЛ	28,000	28,000		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
32	Халқобод МФЙ Махалла ички йўлларининг 5 км қисмига асфалт, 7,5 км қисмига шағал ётқизиш ишларини амалга ошириш	12,500	2022-2023 йил	5 300,000	1 590,000	ИЛ	31,800	31,800		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
33	Қўрғон МФЙ Четарик кўчасига асфалт ётқизиш.	4,200	2022-2023 йил	1 770,000	531,000	ИЛ	10,600	10,600		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
34	Тараққий МФЙ М.Уллубек, Олмазор, Қурилиш, Ибн Сино, А.Утар кўчаларига асфалт ётқизиш, Анхор бўйи кўчасига шағал ётқизиш.	2,700	2022 йил	2 870,000	2 870,000	ИЛ	63,100	57,400	5,700	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
35	Нихол МФЙда жойлашган Қизилсой кишлоғида 20-мактаб ва масжидга олиб борувчи йўлни таъмирлаш.	0,800	2022 йил	900,000	900,000	ИЛ	18,000	18,000		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
36	Зомин тумани, "Юксалиш" махалласи, Яшнабод кўчасидан ўтган сел йўлига кўприк куриш.	1,000	2022 йил	4 000,000	4 000,000	ИЛ	88,000	80,000	8,000	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
37	"Қўштол" МФЙ, Қонгли кўчасидан қабиристонга олиб борувчи йўлни асфалт қилиш, Қонгли кўчасининг бошланишидан 6-сонли мактабгача пиёдалар йўлакчаси куриш.	1,000	2022 йил	1 450,000	1 450,000	ИЛ	29,000	29,000		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
38	Пешагор МФЙ 58-сонли мактабга олиб борувчи йўлни асфалт қилиш.	0,450	2022 йил	400,000	400,000	ИЛ	8,000	8,000		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
39	Тўрттом МФЙ Истиклол кўчасини шағаллаштириш ва Пастки Сирғали кишлоғининг ички кўчаларини асфалтлаштириш.	4,000	2022 йил	1 500,000	1 500,000	ИЛ	30,000	30,000		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
40	Фаровон МФЙ Иттифок кишлоғига кириб бориш йўлига ҳамда Қизилой кишлоғидаги 21-сонли МТТ га олиб борувчи йўлга асфалт ётқизиш, Бирлашган кишлоғи 24-мактабга борувчи ички йўлга бетон йўл куриш.	4,000	2022 йил	2 555,000	2 555,000	ИЛ	56,200	51,100	5,100	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
41	Дуоба ҚФЙ Сувлисой кишлоғи, Сарқамар кишлоғи ва Бойтепа кишлоғи йчки йўлларини шағаллаштириш.	23,000	2022 йил	6 050,000	6 050,000	ИЛ	133,100	121,000	12,100	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
42	Чорвадор ҚФЙ Жалойир ўртакшилоқ ҳамда Қутчи Болғоли кишлоғи йчки йўлларига асфалтлаш ва шағаллаш йўл ётқизиш.	13,000	2022 йил	3 500,000	3 500,000	ИЛ	77,000	70,000	7,000	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
9	Пахтакор тумани	10,700		4 187,500	4 187,500		88,600	83,800	4,800			
43	Сувонобол МФЙдаги 3 та кўчаларда жами 3,7 км йўлларни асфалт қопламалари ётқизиш.	3,700	2022 йил	2 400,000	2 400,000	ИЛ	52,800	48,000	4,800	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
44	Дўстлик МФЙдаги "Дўстлик" ва "Х.Олимжон" кўчаларига жами 1,0 км йўлларни асфалт қопламалари ётқизиш.	1,000	2022 йил	900,000	900,000	ИЛ	18,000	18,000		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
45	Оқ булок МФЙдаги 6 та кўчаларга жами 4,5 км йўлларни шағал қопламалари ётқизиш.	4,500	2022 йил	652,500	652,500	ИЛ	13,100	13,100		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
46	Ғалаба МФЙдаги "Янғихаёт" (0,8 км.), "Болғали" (0,3 км.) ва "Бустон" (0,4 км) кўчаларига жами 1,5 шағал қопламаси ётқизиш.	1,500	2022 йил	235,000	235,000	ИЛ	4,700	4,700		2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
10	Фориш тумани	41,300		17 500,000	17 500,000		382,700	350,000	32,700			
47	Илонли МФЙ Хайдар ота кишлоғига 2 дона ва Қиёвул кишлоғига 1 дона кўприк куриш	3,000	2022 йил	1 800,000	1 800,000	ИЛ	39,600	36,000	3,600	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида

Лойihalаштирилган объект номи ва манзили	Лойihalаштири ладиган объект куватини (кв)	Куршил ишларининг бошлангани ва тугаши йили	Куршилнинг тахминий хисобланган умумий қиймати	* 2022 йил учун лимит	Лойиха босқичи ДТИА, ТИА, ДТИХ, ТИХ, ИЛ, ИХ, ТХ	Жами: Лойиха ва экспертиза харajatлари	ЛКИнинг объектлар буйича қиймати	Комплекс экспертиза маркази харajatлари	ЛСХ ларини буюртмачига топириши	Лойihalаштириш учун асос (ВМ, Қарорлар, фирмойишлари, топиришлари ва х.к)	Лойihalовчи институт номи
48	Норвон МФЙ Чорбоғ кишлоғидан Ғаллаорол туман пастки Утаг кишлоғига борувчи 17 км йўллارни автобус катновини йўлга қўйиш максалида таъмирлаш	2022 йил	2 550,000	2 550,000	ИЛ	56,100	51,000	5,100	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
49	Дарбоза МФЙ олиб борувчи 10 км асфальт йўли реконструкция қилиш 14,3 км йўлга қум-шагал аралашмаси ётқизиш.	2022 йил	12 000,000	12 000,000	ИЛ	264,000	240,000	24,000	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
50	Дарбоза МФЙ худудига кириб борувчи авария холатда турган кўприкни реконструкция	2022 йил	1 150,000	1 150,000	ИЛ	23,000	23,000	9,300	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
11	Янгиобод тумани		15 469,420	4 640,826		102,100	92,800				
51	4Р-34 а "Хавотот" сикатхонига олиб борувчи йўлини 3-8 км оралинини мукамал таъмирлаш, Махаллий аҳамиятдаги 4Н-1250 автомобил йўлининг "Учтўрғон" кишлоғидан М-34 йўлига чиқиб қисми 0-7 км оралинини таъмирлаш	2022-2023 йил	15 469,420	4 640,826	ИЛ	102,100	92,800	9,300	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
12	Ш.Рашидов тумани		29 125,000	29 125,000		640,700	582,500	58,200			
52	Раваллик МФЙ Махалла худудидagi 4,6 км йўллари асфалт қилиш.	2022 йил	2 700,000	2 700,000	ИЛ	59,400	54,000	5,400	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
53	Учтена МФЙ М.У.Лутбек кучасини 3400 метр йўлни асфалт қопламаси билан жорий таъмирлаш	2022 йил	2 155,000	2 155,000	ИЛ	47,400	43,100	4,300	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
54	Яккақайроғоч МФЙ худудидagi жами 6,9 км. кўчаларга асфалт ётқизиш.	2022 йил	3 900,000	3 900,000	ИЛ	85,800	78,000	7,800	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
55	Ешлик МФЙ Махалладagi 20 та кўчани асфалтлаштириш	2022 йил	10 000,000	10 000,000	ИЛ	220,000	200,000	20,000	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида
56	Тинчлик МФЙ худудидagi 5,3 км тулрок йўлларини шағаллаштириш, Мозорсой кишлоғи сел олиб кетган кўпригини ўрнатиш.	2022 йил	10 370,000	10 370,000	ИЛ	228,100	207,400	20,700	2022 йил IV чорак	ПҚ № 408 25.10.2022 й.	танлов асосида

*Объектларнинг қиймати ва қувватига ҳамда иш турига лойица-смета хужжатлари ва тендер(танлов) савдолари натижалари буйича аниқлаштирилди.

"КИРИТИЛДИ"

"КЕЛИШИЛДИ"

"КЕЛИШИЛДИ"

"КЕЛИШИЛДИ"

"Жиззах вилоят ақсарий йўллари буюрмачи қозғалди" ДУА директори
И. Норбоев
2022 й



Жиззах вилоят автомобил йўллари бoш бошқармаси бошлиғи
Х. Рахматов
2022 й



Жиззах вилоят молия бoш бошқармаси бошлиғи
А. Рахматуллаев
2022 й



Жиззах вилоят иқтисодий аракқийет ва қамбағаллик қосқартириш бош бошқармаси
Ф. Қулиева
2022 й